O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
SHAROF RASHIDOV TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ШАРОФ РАШИДОВСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Manzil: 131100. Uchtepa daxasi Mustaqillik ko`chasi. Tel 342-13-33 Faks 342-10-18

«14» 03 2019 yil №1375 Sharof Rashidov tumani

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини ҳисобга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларни техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

“Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом *(рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель)* ҳамда “Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл қурилиш ва мелиоратив техника, ўзюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларини, шунингдек қишлоқ, хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида”ги Низом *(рўйхат рақами 2476, 2013 йил 2 июль)*лари ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган қишлоқ хўжалиги, мелиоратив ва йўл қурилиш техникаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу техникалар белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Техникаларга давлат рақами белгиси ҳамда техник паспорт бериш ва қишлоқ хўжалиги машиналарига гувоҳнома бериш учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан:

трактор, трактор тиркамаси, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машинага рақам белгиси берилганлиги учун — 0,9;

трактор, трактор тиркамаси, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машинага техник паспорт берилганлиги учун — 0,17;

қишлоқ хўжалиги машинасига гувоҳнома берилганлиги учун — 0,17;

трактор, трактор тиркамаси, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар ва қишлоқ хўжалиги машинаси, шунингдек асбоб-ускуналар ҳисобдан чиқарилганлиги ва қайта рўйхатга олинганлиги учун — 0,18;

рақам белгиси, эгасининг яшаш жойи ўзгарган ва бошқа ҳолатларда трактор, йўл қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарнинг техник паспортида ёзув амалга оширганлиги учун — 0,17;

рақам белгиси ўзгарган ҳолларда трактор тиркамасининг техник паспортида, шунингдек эгасининг яшаш жойи ўзгарган ва бошқа ҳолатларда қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасида ёзув амалга оширилганлиги учун — 0,08 миқдорда йиғим ундирилсин.

Йўқотилган давлат рақам белгиси, техник паспорт ва гувоҳнома ўрнига янгиси берилганлиги учун кўрсатилган сумма 5 баробар миқдорда ундирилсин.

3. Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган қишлоқ хўжалиги техникалари йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан:

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналарга — 0,18;

қишлоқ хўжалиги машиналарига — 0,10;

машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига — 0,37 миқдорда йиғим ундирилсин.

4. Техник кўрик ва қайта рўйхатга олиш йиғимларини ундиришда амалий ёрдам бериш вазифалари туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари ва тумандаги тижорат банкларига юклансин.

5. Техник кўрик ва қайта рўйхатга қўйилмаган қишлоқ хўжалик техникаларини қайта рўйхатга олинишида туман ИИБ ЙХХБ нозири, ҚСХБ бошлиғи, Фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, ФХХУ ва МФЙ раислари, таркибида амалий ёрдам ишчи гуруҳи тузилсин.

6. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия раиси (Ё.Жонабилов)га:

Техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномаларни юбориш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма равишда кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни шакиллантириб бориш вазифаси топширилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 3 февралдаги 317-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **З.Мирзаев**

Шароф Рашидов тумани ҳокимининг
2019 йил 14 03 даги
1375-сонли қарорига
1-илова

Ш.Рашидов тумани ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарни 2019 йилда техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси

Т А Р К И Б И:

1.	Ё.Жонабилов	Бош прокуратура ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Шароф Рашидов туман бўлими бошлиғи – комиссия раиси
2.	Ж.Ўралов	Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
3.	О.Холжигитов	Туман МТП ШХЖ раиси
4.	Х.Нишонов	Туман “Агросуғурта” бошлиғи
5.	Ж.Бекмуродов	Учтепа “Агробанк” раиси
6.		ФХХУ раислари